



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кеलाжаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 1 май, № 86 (6269)

Жума

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



«Кўнғирот сода заводи»: —

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЮКСАК САЛОҲИЯТ



«Кўнғирот сода заводи» унитар корхонаси ҳам ана шундай гигант ишлаб чиқариш мажмуаларидан биридир. Айна пайтда бу ерда тайёрланаётган ноёб хом ашё — кальцийлаштирилган сода жаҳоннинг қатор давлатларига экспорт қилинаётди.

Айтиш жоизки, корхонада ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ошиб борапти. Хусусан, у фаолият бошлаган дастлабки йилда 12 минг 810 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2013 йили бу кўрсаткич 96 минг 42 тоннага етказилди. 2014 йилда эса 95 минг 890 тонна

кальцийлаштирилган сода тайёрлаб, унинг қатта қисми экспортга чиқарилиди. — Мамлакатимизда етакчи тармоқларни модернизация қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда, — дейди корхона директори Фафур Атаханов. — Бундай оқилона саъй-

Хар бир ҳудуд тараққиётига баҳо берилганда, аввало, унинг иқтисодийёти алоҳида тилга олинади. Чунки мазкур соҳа салоҳияти юқори бўлган жойда фаровонлик бўлади. Шу маънода, истиқлол йилларида Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодийнинг барча тармоғи жадал раванқ топиб, янги иш ўринлари вужудга келаётгани, одамлар турмуш даражаси тобора яхшиланади бораётгани қувонарлидир.

Мисол учун, бепоён Устурт кенглигида юз бераётган, мўъжиза дейишга арзийдиган ўзгаришларни олайлик. Бир пайтлар қум барханлари билан қопланган тап-тақир саҳро бугун боғу роғларга бурқаниб, шаҳару овуллар обод ва кўркам қиёфа касб этаётди. Бу ерда барпо қилинаётган йирик саноат мажмуалари нафақат Оролбўйи минтақаси, балки бутун мамлакатимиз раванқда муҳим ўрин тутаяпти. Зеро, Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилганида намоён бўлмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШОТЛАРИ

ҳаракатлар ялли худудий маҳсулотда саноатнинг улushi тобора ортишида, экспортга йўналтирилган товарлар ҳажми кўпайишида, янги иш ўринлари яратилаётгани ҳамда шаҳар ва овуллар инфратузилмаси ривожланиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксала-

ётганида яққол акс этапти. Биз ҳам шундан келиб чиқиб, техник ва технологик янгиликни жараёнларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу эса маҳсулотларимиз таннархини пасайтиришда қўл келаётди.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

Муқаммал қонунлар — тараққиёт гарови

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 15-16 май кунлари бўлиб ўтадиган иккинчи ялпи мажлисига қизгин ҳозирлик кўрилмақда. Хусусан, парламент юқори палатаси йиғилиши кун тартибига киритилиши кутулаётган масалалар, қонунлар тегишли қўмиталарда соҳа мутахассислари, экспертлар, олимлар ҳамда амалиётчилар иштирокида дастлабки тарзда кўриб чиқилаяпти.

Олий Мажлис Сенатининг 2015 йилга ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурига мувофиқ, юқори палатанинг иккинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилиши кутулаётган масалалар жойларда кенг жамоатчилик иштирокида атрофича муҳокама қилиниб, ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, Президентимиз жорий

йил январь ойда парламент юқори палатасининг биринчи ташкилий мажлисида алоҳида қайд этганидек, Сенат, асосан, маҳаллий Кенгашлар, худудларнинг вакилларидан иборат бўлишини ҳамда вакиллик суғурта қилиш тўғрисидаги «Таъминоти» қўзғалдириш вакиллик суғурта қилиш тўғрисида»-ги ҳамда янги тахрирдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунлар муҳокама этилмақда. Тадбирларда мазкур қонунлар мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилиб, уларнинг худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга таъ-

сири хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилганлиги. — Бугун юртимизда жамият ҳаётининг барча соҳаси изчил ислоҳ қилинмоқда, иқтисодийёта ривожланган мамлакатларнинг ижобий тажрибалари, илғор ютуқлари татбиқ этилаётди, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришни бугунги талабларидан келиб чиқиб, қонунчилик жадал такомиллаштирилмоқда, — дейди сенатор М. Мақсудов. — Янги тахрирдаги «Кимматли қозғалдириш бозори тўғрисида»ги қонун ҳам и қ т и с о д и ё т и м и з ривожининг бугунги суръатлари билан уйғун ҳолда ишлаб чиқилган.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН МУҲОКАМАЛАР ЎТКАЗИШДИ

30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Аввалроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг йиғилишлари ўтказилиб, уларда куйи палата мажлиси кун тартибига киритилган масалалар кўриб чиқилди. Айниқса, депутатлар асосий эътиборни муҳокамага киритилган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасига қаратдилар.

ритулган мазкур демократик меъёрларни амалга ошириш механизмларини яратиш мақсадида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун янги 251-модда билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳисоботлари тегишли халқ депутатлари Кенгашининг вилоят, туман ва шаҳарнинг ўтган йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг якунлари ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида тақдим этилади.

Конституциямиизга киритилган бир қатор тўзатишлар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамоийли босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, парламентнинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги родини, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтиришга хизмат қилиб келмоқда.

Ҳокимларнинг ҳисоботини муҳокама этиш Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида, шунингдек, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашларида белгиланган баҳолар ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимиз Конституциясига киритилган тўзатишларга мувофиқ, ижроия ҳокимият органлари, ҳокимларнинг вакиллик органлари олдидаги масъулияти кучайтирилди. Хусусан, Конституциянинг 103-моддаси вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини белгиладиган қонунлар билан тўлдирилди.

— Маълумки, ҳар йилнинг январь ойда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси ўтказилди. Унда ўтган йилнинг натижаларига кўра Ҳукумат, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари фаолиятига кенг баҳо берилди, шунингдек, келгуси йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг муҳим йўналишлари белгилаб олинди. Шундан сўнг жойларда ана шундай йиғилишлар ўтказилди. Мазкур амалиёт ўзининг самарадорлигини кўрсатди ва давлатнинг устувор вазифалари ҳамда стратегияси амалга оширилишининг бориши юзасидан тизимли таҳлил ва доимий назоратни таъминлаш имконини беради.

Конституциямиизга киритилган

Дарҳақиқат, биргина шу жумланинг замирида фарзандларимизни келажаққа тайёрлаш, уларга алоҳида эътибор қаратиш, илғор ва замонавий таълим-тарбия бериш усулларини татбиқ этиш, педагогларнинг билим даражасини янада ошириш ҳамда шу каби бошқа кўплаб долзарб масалалар муҳасаммаланган, десак, янгилишмаймиз.

Бошланғич таълим: Илғор услублар ва янгича ёндашув

Кеча Халқ таълими вазирлиги томонидан оммавий аҳборот воситалари ходимлари учун ташкил қилинган медиатур ҳам умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида таълим-тарбия қай тарзда олиб борилаётгани ва жорий этилаётган янгиликларга бағишланди. Журналистлар бу жараён билан пайтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган 300-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби мисолида танишишди.

Дарҳақиқат, биргина шу жумланинг замирида фарзандларимизни келажаққа тайёрлаш, уларга алоҳида эътибор қаратиш, илғор ва замонавий таълим-тарбия бериш усулларини татбиқ этиш, педагогларнинг билим даражасини янада ошириш ҳамда шу каби бошқа кўплаб долзарб масалалар муҳасаммаланган, десак, янгилишмаймиз.

(Давоми 3-бетда).

Хонадонларимиз файзи, ҳаётимиз кўрки

Президентимиз тақлифи билан жорий йилнинг мамлакатимизда «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилингани ва шу асосда Давлат дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган муҳим вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани фахрийларимизнинг турмуш даражасини янада ошириб, ижтимоий ҳимоялаш ва саломатликларини мустаҳкамлаш йўналишидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур Давлат дастури ижроси бўйича Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасалар жамоа шартномаларига ушбу корхоналардан

(Давоми 4-бетда).

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

«Биз — буюк юрт фарзандларимиз!»

шиори остида Наманганда ёшлар фестивали ўтказилди

Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишлаб «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур акция эртамиз эгаларини юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларда она-Ватанга даҳлдорлик туйғусини шакллантириш, ўсиб келаётган авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан

асраш сингари мақсадларга қаратилган. Ҳаракатнинг энг йирик лойиҳаси сифатида эътироф этилаётган анжуманнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётгани алоҳида таъкидлаш лозим. Чунончи, вилоят маркази, туманлар, чекка қишлоқ ва маҳалларда депутатлар, олимлар, ижодкорлар, спортчилар, эстрада хонандалари иштирокида уюштирилган учрашуларда минглаб йигит-қизлар қатнашганлиги фикримиз тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганигунга 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Боланинг жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр — бу бошланғич синф давридир», дея алоҳида таъкидлаган эдилар.

МЕДИАТУР

(Давоми 2-бетда).

